

09-2448/2060-СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

“ 25” Январь, 2022 й

Юридик шахслар (шў жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Янгибўзор тумани.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания) номидан 05.01.2022 йилдаги 27-01-14/33-сон шартнома асосида фаолий юртуруши Компаниянинг Хоразм филиали Янгибўзор телекоммуникация боғламаси бошлиғи Исmoilов Тажибой (кейинги ўринларда - Оператор) бир томондан ва Янгибўзор тумани Маданият бўлими номидан Устав (Пизом, рўйхатга олишга олишмаслик тўғрисидаги тўхтовнома, шартнома) асосида фаолий юртуруши К.Худайберганов (кейинги ўринларда - Абонент) иккинчи томондан, (кейинги ўринларда бирликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича куйдагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ, расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиши тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда - Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома туздилар:

Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегинли мотивий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз таловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу шартномани тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари таъбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларини ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Ҳар бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорда олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ хар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) **720 000 (Етти юз йиғирма минг)** сўмини ташкил этади. Ушбу сумма **720 000 (Етти юз йиғирма минг)** сўм миқдоридagi Абонент тўловини ҳамда _____ (_____) миқдоридagi бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиши бўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига хизматлар кўрсатиши учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда хар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхлатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмагани, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаганига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхлатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун истеъфоланган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1- кунидан олдин хизматларини ихтиёрий равишда блокировка қилиши учун арида тоширилиши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўловини мумкин ва Шартнома беқор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматларини, тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади. 3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) илн** кунни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тақдим этилган тарзда кўрсатилган део талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тўлатишларни амалга оширади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) илн** кунни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тақдим этилган тарзда кўрсатилган део талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тўлатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичиқ бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси едилмай бўлганда **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатта Абонентнинг қафолат ҳақи асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4.Томонлар жавобгарлиги

4.1 Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганилиги учун Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга иносбатан жавобгарлигининг чекланиш ҳолатлари буидан мустасно).

5.Ишловларни ҳал қилиш тартиби

5.1 Томонларнинг ушбу Шартномани бажариши билан боғлиқ масалалар бўйича барча ишловлари ва келишимовчиликлари Офертанинг 11-моддаси таламлари асосида Ўзбекистон Республикаси қонуночилигига мувофиқ ҳамда ишловларни судга ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2 Томонлар ўртасида юзга келган иш ва келишимовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, ишловлар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига мувофиқ Урганч туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашининг тартибга солуви қонуни ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар қурмасликлари ёки хатти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятининг юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муроасиз курашини чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳолатларда (ениб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондаларига амал қилинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўришишидаги мурожаати кўли билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7.Якувий Қондалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига амал қилади.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришини давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири ушунг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилда узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кучга бонлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши – Оферта акцентини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“Ўзбектелеком” АК Хоразм филиали Янгибозор телекоммуникация боғламаси	Янгибозор туман Маданият бўлими
Манзил: Янгибозор шаҳарчаси Ж.Мангуберди № 1	Манзил: Янгибозор шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси 1-үй
Тел: 624194152	Тел: 624194128 сот 942365762
Банк маълумотлари:	Шхр 100022860332367082310056001 ИНН 201086092
И/Р 20210000304074838371	Шхр:
АТ Алока банк Тошкент шаҳар бош офиси	Молча вазирлиги Ягона Газна ҳисоб varaғи
МФО: 00401	Хв 23402000300100001010
СННП: 203366731	Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ
СННП: 203366731	МФО 00014 ИНН 201122919
ОҚД: 61100	Е-mail:
Е-mail: vor_kans@aztelecom.uz	
ҚҚС тўловининг рўйхатдан ўтказиш коди: 326030013817	



С.Худайбергандон

Бир нусха олдим.

Шартноманинг йиллик суммаси

« 25 » Январь 2022 йилдаги № 09-24448/2060 шартномага илова

Хизмат тури	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами
Интернет хизмати	720 000				720 000
Жами	720 000				720 000

720 000 (Етти юз йнгирма минг)

«ОПЕРАТОР»

“Ўзбектелеком” АК Хоразм филиали
Янгибозор телекоммуникация боғламаси



«АБОНЕНТ»

Янгибозор туман Маданият бўлими



К.Худайберганов

**Yangibozor tuman Madaniyat bo'limi va "O'zbektelekom" AK Xorazm filiali
Yangibozor telekommunikasiya bog'lamasi o'rtasida tuzilgan №09-
24448/2060– sonli shartnomani huquqiy ekspertizadan o'tkazish yuzasidan**

X U L O S A

2022-yil 25 yanvar

Yangibozor tumani


O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyundagi PQ-5168-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risida"gi Nizomga asosan Yangibozor tuman Madaniyat bo'limi va "O'zbektelekom" AK Xorazm filiali Yangibozor telekommunikasiya bog'lamasi o'rtasida 2022-yil 25 – yanvardagi №09-24448/2060-sonli shartnoma loyihasini o'rganib chiqib huquqiy ekspertizadan o'tkazdim. Yuqorida nomlari ko'rsatilgan yuridik shahslar o'rtasida tuzilgan telekommunikatsiya xizmatlarini ko'rsatish to'g'risidagi №1/15-sonli mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi 1998 yil 29 avgustdagi Qonunining 10, 20,21-moddalari talablari hamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 367-369- moddalari asosida tuzilgan. Shartnomaning umumiy summasi jami 720000(yetti yuz yigirma ming)so'mni tashkil qilib, shartnomani imzolagan Yangibozor tuman Madaniyat bo'limi rahbari Q.Xudayberganov va "O'zbektelekom" AK Xorazm filiali Yangibozor telekommunikasiya bog'lamasi rahbari T.Ismoilovlar yuridik shaxs Nizomiga hamda chiqarilgan buyruqlarga asosan birinchi imzo huquqi berilgan.

Shartnoma imzolashda shartnomalarni tuzishning erkinligi, taraflarning o'zaro manfaatdorligi, shartnoma intizomiga rioya etish, taraflarning o'zaro mulkiy javobgarligi prinsiplariga to'liq rioya qilingan va taraflarning huquqlari hamda majburiyatlari aniq ko'rsatib o'tilgan. Yuqoridagilarga hamda O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi Qonunining 20-21-moddalariga asosan

XULOSA QILINDI:

Yangibozor tuman Madaniyat bo'limi va "O'zbektelekom" AK Xorazm filiali Yangibozor telekommunikasiya bog'lamasi o'rtasida 2022-yil 25-yanvar kuni №09-24448/2060-sonli telekommunikatsiya xizmatlarini ko'rsatish to'g'risidagi shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari asosida ishlab chiqilganligi va qonunchilik texnikasi talablariga muvofiqligi qayd etilsin.

**Yangibozor tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:**



U.Allamov